Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 113 (6.304) 1987 йил 19 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ҲАЁТГА!

# ЗАФАРЛАРИМИЗ—УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Қайта қуриш йўлида

## Изланиш ва муаммолар

Ҳар куни «Ташгортрансэкспедиция» автокорхоналаридан 50 қабул пунктига қараб «ТЭА» белгиси қўйилган 250 га яқин енгил, юк ташийдиган каттакичик машиналар, турли маркадаги автобуслар йўл олади. Қабул пунктлари эса йирик мебель магазинлари, ёғоч-тахта савдо базалари, кўмир омборлари, республика пойтахтининг бошқа савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ташкил этилган. Буюртмачилар машиналарни интизорлик билан кутишаётган бўлишади.

Мана, қабул қилувчилар буюртмаларни расмийлаштиришади-да, 80 га яқин юкчи ва ҳайдовчи биргаликда юк ташиш, ортиш-туширишда зарур ёрдам кўрсатишга шайланади. «ТЭА»нинг унча мураккаб бўлмаган иш схемаси асосан ана шундай. Ҳар қандай механизмдаги сингари ҳар бир системанинг ҳам ўз узилишлари, кемтик жойлари, ечимини кутаётган масалалари бўлади. Улар «Ташгортрансэкспедиция»» транспортчиларида ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни кўздан кечиришингда бу нарса хаёлингга ҳам келмайди. Масалан, ўтган йили аҳолига қарийб 2 миллион 714 минг сўмлик хизмат кўрсатилди, бу 1985 йилдагига қараганда 3 минг сўм кўп. Тўртта махсус магазинда қўшимча қабул пунктлари очилди, меҳнат унумдорлиги бирмунча ўсди. Бир қатор янги хизмат турлари жорий этилди. Техник жиҳатдан бузуқ автомобиллар «ТЭА»да махсус конструкция қилинган ва ясалган аравачаларда техника хизмати кўрсатиш станцияларига элтиб қўйиладиган бўлди. «Зангори экран» ателъесига эскирган радио ва телевизор аппаратларини етказиб бериш ташкил этилди. Уйдан комиссион магазинларга мебелларни ташиш йўлга қўйилди. Корхонада аҳолидан қоғоз чиқиндиларини тўплашга ҳозирлик кўриляпти. Қисқаси, бу ерда хизмат соҳасини кенгайтириш ҳақида ташвиш чекилмоқда.

Мижозлар транспортчилар ишидан ҳамма вақт ва тўлиқ қониқиш ҳосил қилишаяптими? Ҳозирча бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатининг пастлиги ҳақида кўплаб таъна-эътироялар тушаяпти. Бинобарин, ҳар бир катта ишлаб чиқариш коллективида бўлганидек бу автокорхонада ҳам данғасалар, боқибеғамлар, эгриқўллар бор. Таъмагирлик, прейскурантни нотўғри қўллаш, ҳайдовчилар ва юкчиларнинг буюртмаларни бажаришдан бўйин товлаши сингари ҳоллар ҳануз барҳам топмаган. Масалан, шу йил февралида Салор ёғоч-тахта савдо базаси ҳузуридаги буюртмаларни қабул қилувчи Ҳ. Юсупов ишдаги жиддий камчиликлари, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун ишдан бўшатилди. Фақат шу йилнинг ўзидагина турли қилмишлари учун ҳайдовчилардан Маллабоев, Пўлатов, Хаврюшин, Салмин, Аҳмедов, Раҳматов, Қаюмов, Белоцерковский, Айрапетян, Бахликов, Глябовга, буюртма қабул қилувчилардан Қобилов, Ғозибоев ва Зуфарова қаттиқ ҳайфсан берилди. Улар автомашиналарнинг спидометрлари кўрсатмаларига қўшиб ёзиш, маршрутлардан четга чиқиш ва буюртмаларни нотўғри расмийлаштириш билан шуғулланганлар.

— Бундай фактлар коллективимиз шаънига доғ туширмоқда, —дейди «Ташгортрансэкспедиция» бирлашмасининг бошлиғи Ж. Нуриддинов. — Шунинг учун ҳам ҳар бир салбий ҳодиса ўртоқлик суди мажлисида, бригадалар, участкалар, бўлимларда қаттиқ муҳокама қилинаяпти.

Бироқ транспортчилар олдида шундай муаммолар ҳам борки, уларни ўзлари ҳал эта олмайдилар. Масалан, шаҳардаги газ билан заправка қиладиган иккита станция қуввати «ТЭА»нинг шу хил ёнилғида юрадиган ҳамма автомобиллари эҳтиёжини қондира олмаяпти. Ҳайдовчилар заправка станцияларн олдида соатлаб навбат кутиб қолмоқдалар, натижада буюртмачилар ҳузурига кечикишмоқда. Шунингдек, юкларни мебель автофургонларида ташиш масаласи ҳам ҳал этилмагаң. Узунчоқ юкларни ташиш учун автомобиллар ҳамда «УАЗ—452» маркали кичик ҳажмли автомашиналар етишмайди.

Ҳозирга қадар киракашлик қиладиган транспорт муаммоси ҳал этилмаган. Мебель магазинлари, ёғоч-тахта савдо базалари, бозорлар олдида турли-туман идораларга қарашли машиналарни тез-тез учратиш мумкин, уларнинг ҳайдовчилари мўмай пул ишлаб қолиш пайида юришади. Бу ҳол «Ташгортрансэкспедиция» кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаяпти. Ҳолбуки бундай қусурга қарши курашса бўларкан.

Масалан, ўтган йили «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси пойтахт давлат автоинспекцияси билан биргаликда хизмат автотранспортидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётганини текшириш юзасидан рейд ўтказди. Материал эълон қилинганидан ва телевидение орқали кўрсатилганидан кейин Салор ёғоч-тахта савдо базасида буйруқ чиқарилиб, сотиб олинган молларни «чет» транспортда ташиб кетиш ман этилди. Натижада худди ана шу қабул пункти бўйича бир йил мобайнида «ТЭА»нинг даромади 30.800 сўмни ташкил этди бу —пландагидан 5,5 минг сўм кўп.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқаришни қайта қуриш амалга ошириляпти. Бензинда юрадиган автомобилларни газ баллонларига ўтказиш давом этмоқда. Ишлаб чиқариш корпуси цехлари реконструкция қилиняпти, улар замонавий технологик диагностика ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бу ерда дисплейлар ишлай бошлади, ишлаб чиқаришни бошқариш маркази ташкил этилди. Автомобиллар автомат усулда ювиладиган бино қурилиши тугалланай деб қолди. Шунингдек, шахсий автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган кооператив станция очиш ҳақида ўйлашяпти.

Транспортчиларнинг режалари катта, улар аста-секин рўёбга чиқарилмоқда. Коллектив ижодий изланишда. Демак тошкентликларга хизмат кўрсатиш бундан ҳам яхшиланади.

В. ЭНКЕР.

### СТУДЕНТЛАР УЧУН

**«Главташкентстрой» 4-қурилиш трестининг 19-бошқармасидаги А. М. Садьков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари учун ётоқхона биноларини қурмоқда.**

**Биринчи ётоқхона қуриб битказилди. Кейинги 2 бино эса шу йил ёзида фойдаланишга топширилади.**

**Бригада коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган. Бригада аъзолари кунлик нормаларини мунтазам ошириб бажаришга эришмоқда.**

Ж. НАЗИРҚУЛОВ, студент.

### ХУШХАБАР

Темирйўлчиларга жуда керакли бир деталь — рельс чокларида ишлатиладиган қистирмани қарийб икки баравар арзонлаштиришда эски шиналар ёрдам берди. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг олимлари қимматбаҳо материаллар ўрнида чиқитдан фойдаланишни таклиф этдилар. Синовларнинг кўрсатишича, янги қистирмалар чокларни бир-биридан яхши изоляция қилмоқда ва амортизация этмоқда. Бир километр йўлда 105 сўм тежалмоқда.

ЎзТАГ.



Бугун — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун

## Доҳий васиятларига садоқат

**1924 йил 23 январда Бутуниттифоқ пионер ташкилотига В. И. Ленин номи берилди. Ҳозирги пайтда бу ташкилот икки марта Ленин ордени билан тақдирланган. У ўз сафларига 20 миллион нафар пионерни бирлаштирган. Ёш ленинчилар дружиналарига 80 минг нафар катта пионервожатийлар етакчилик қилмоқда.**

**Ана шулардан бири Аэлита Николаевна Пушиловадир. У пойтахтимиздаги 137-ўрта мактабни тамомлагандан сўнг ўн йил мобайнида шу ерда пионервожатийлик қилди. Бу орада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги К. Маркс номидаги 43-мактабга ўтиб ишлади. Мана 22 йилдирки, шу ерда пионервожатийлик қилиб келмоқда.**

**Аэлита Николаевнанинг пионервожатийлик стажи 32 йилни ташкил этади. Унинг кўз ўнгида пионер ташкилотлари фаолияти ғоятда активлашди. Пионер ташкилотлари ёш ленинчиларни шонли революцион анъаналари руҳида тарбиялаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширишяпти. Масалан, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ёш ленинчиларнинг Бутуниттифоқ маршн пионер отрядларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Дружиналар «Революцион одим ташлаймиз!» шиорига содиқ қолиб, доҳий васиятларини изчил амалга оширмоқдалар. Унинг ишидан биронта ҳам октябрят группаси, пионер отрядн четда қолмайди.**

**Аэлита Николаевна ёш ленинчиларни шонли анъаналар руҳида тарбиялаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис этади. Бунн унинг ишларн яққол кўрсатиб турибди. У Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочисидир. Шаҳримиздаги энг яхшн пионервожатий-методистлардан бирн ҳисобланади. Унинг кўксини «Пионерлар билан актив иш олиб борганлигн учун», «Энг яхшн вожатийга» нишонларн безаб турибди. Дарвоқе, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Малясов номидаги дружинага А. Н. Пушилова моҳирона етакчилик қилмоқда. Бу дружинанинг шаҳардаги энг яхшн дружиналардан бирн сифатида тилга олинишида унинг катта ҳиссаси бор.**

СУРАТДА: А. Н. Пушилова.

Т. Каримов фотоси.

## Чехословакия китоблари кўргазмаси

Бугун

В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида Чехословакия китоблари кўргазмаси очилди.

Кейинги йилларда Чехословакиянинг «Альбатрос» ва «Панорама», «Млада лета» нашриётларида чиқарилган 400 дан ортиқ нашрлар, китоб-ўйинчоқлар, календарь ва ўқув ашёлари кўргазмага қўйилган. Бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам қардош мамлакат муаллифлари асарларини нашр этиш яхши йўлга қўйилган. Кейинги йилларда чехословак адибларининг 15 номдаги асари 650 минг нусхада босиб чиқарилди. Болалар Божена Немцованинг «Эртаклар олтин китоби», Рудо Мориц, Славка Прегла, Ян Козакнинг китобларини севиб ўқийдилар.

Ярослав Гашек, Карел Чапек, Юлиус Фучик сингари ёзувчиларнинг асарлари кўплаб китобхонларга манзур бўлмоқда. Ҳар йили импорт йўли билан 350 номдан ортиқ 450 минг сўмлик ЧССР китоблари республикамизга келтирилмоқда. Улар «Дўстлик» ихтисослашган китоб магазинида ва бошқа магазинларда сотилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР БАЙРАМИ

Шу йилнинг 24 майдан 2 июнигача Ўзбекистонда кўпмиллатли совет адабиёти кунлари ўтказилади. Бу кунларни ўтказишда СССР Ёзувчилар союзи ва қардош республикалар ёзувчилар ташкилотлари раҳбарлари қатнашадилар. Тошкентга келадиган меҳмонлар орасида мамлакатимизнинг кўзга кўринган адибларидан Ю. И. Суровцев, З. С. Кедрина, В. Д. Осоцкий (Москва), А. К. Нурпеисов, М. Д. Симашко (Қозоғистон), Т. Қосимбеков, Д. Содиқов (Қирғизистон), С. Г. Асадуллаев, Э. К. Мамадхонли (Озарбайжон), В. Г. Гримич, Р. И. Иванчук (Украина), О. М. Ипатова (Белоруссия) ва бошқалар бор.

Ўзбекистонда бўладиган кўпмиллатли совет адабиёти кунлари доирасида 25-29 майда Самарқандда Бутуниттифоқ ёзувчиларининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган «Совет Шарқида социализмнинг барқарор тоғиши долзарб ижодий мавзу» деган темада конференция бўлиб ўтади. Бу конференцияда тарихий-революцион романчиликнинг тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари ҳақида гап боради. Бу конференция Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида бўлиб ўтади. Конференция қатнашчилари бу областнинг Пастдарғом, Ургут ва Самарқанд районлари қишлоқ меҳнатчилари билан учрашадилар.

Кўпмиллатли совет адабиёти кунлари Тошкент шаҳрида ва пойтахт областида, шунингдек Сирдарё, Наманган, Фарғона, Андижон, Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда бўлиб ўтади. Мамлакатимиз халқларининг дўстлигига бағишланган бу тадбирларда қатнашадиган адибларнинг бир группаси Ангрен шаҳрида сув тошқинидан зарар кўрган Пискент, Ғалаба районлари меҳнаткашлари ҳузурида, шунингдек, Сирдарё областида бўлиб «Малик» совхози маданият саройида бўладиган адабий кечада қатнашади. Гулистон шаҳридаги область театрида адабий кеча бўлиб ўтади.

Ёзувчиларнинг яна бир группаси Фарғона водийси бўйлаб сафари давомида Андижон автомобиль комбинати, медицина институти коллективи билан учрашади. Меҳмонлар Наманган, Янгиқўрғон, Поп, Учқўрғон ва Косон районларида бўладилар. Қатор корхоналар ва ўқув юртларида адабий кечалар бўлади. Ёзувчиларнинг учинчи группаси Хоразм ва Қорақалпоғистон АССР бўйлаб сафар қилади.

30 май куни кўпмиллатли совет адабиёти кунлари қатнашчилари областларга қилинган сафардан кейин Тошкентга қайтиб келадилар. Бу ерда адабиёт байрамининг ёпилишига бағишланган тадбирлар ўтказилади.

## «Медимпекс» дори-дармонлари

СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкент бўлими маданият-ахборот марказида Венгрия Халқ Республикасининг «Медимпекс» шифобахш дори-дармонлари» кўргазмаси очилди. Бу ерда юз йилдан ортиқ тарихига эга бўлган Венгрия фармацевтика саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кенг намойишга қўйилган.

«Медимпэкс» фирмасининг директори Штефан Фашанининг ҳикоя қилишича, фирма ўзининг маҳсулотларини Совет Иттифоқига 1947 йилдан буён етказиб бермоқда.

— Дастлаб биз сизнинг мамлакатингизга бор-йўғи 30 минг сўмлик турли хил дори-дармонларни экспорт қилган бўлсак, — дейди у, — ҳозирда бу рақам 240 миллион сўмни ташкил этади. Дори-дармонларимиздан но-шпа, преднизолон. фторкорт ва бошқалар турли хил касалликларга мўлжалланган бўлиб, улар доимо яхши самара бермоқда. Бу йил, масалан «ХИНОИН» фармацевтика ва химия маҳсулотлари заводи юз тонна но-шпани экспорт қилади.

Экспорт маҳсулотларимиз ҳар йили янги дори-дармонлар билан бойиб бораётганлиги фармацевтика саноатимизнинг тараққиётидан дарак беради. Совет Иттифоқи фирманинг 70—80 процент маҳсулотини сотиб оладиган энг йирик буюртмачидир. Венгриянинг «Медимпэкс» фирмаси маҳсулотини Тошкентда иккинчи марта намойиш этмоқда. Менинг бу шаҳарга биринчи марта келишим. Шаҳрингиз ўзининг чиройи ва яшил либоси, меҳмондўстлиги билан менга ғоятда манзур бўлди. Бизнинг фармацевтика саноатимиз инсонларнинг соғлом ва бардам-бақувват бўлишлари учун тайёрлаб чиқараётган дори-дармонлари ҳамиша яхшиликка хизмат қилишга ишончим комил.

## Акмал Икромов райони меҳнаткашлари диққатига!

**Район меҳнаткашлари ва аҳолисини ҳаммадан кўпроқ қандай муаммолар ўйлантирмоқда! Уларнинг назарида бу масалаларни ҳал этишда газеталарнинг аралашуви қандай бўлиши керак! Район ташкилотлари ва хизмат бўлинмаларига ўз ишларини шу кунниинг талаблари даражасида йўлга қўйишларида нималар халақит беряпти!**

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг эртага, 1987 йил 20 май куни Акмал Икромов районида иш олиб борадиган сайёр редакцияси ана шу масалаларни кўриб чиқади. Журналистлар райониинг бир қатор корхоналари, ташкилотларн ва муассасаларида бўладилар, район раҳбарлари билан учрашадилар.**

**Шуни маълум қиламизки, район аҳолисн райондаги ташкилот ва хизмат бўлинмаларининг ишини яхшилаш, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилиш тўғрисидаги ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларн тўғрисида эртага соат 10 дан соат 15 га қадар 74-16-70 телефони бўйича, соат 15 дан то соат 17 га қадар эса 74-16-79 телефони бўйича Тошкентнинг «Оқшом» газеталари жамоатчилик редакцияси ходимларига хабар қилишлари мумкин.**

**Соат 17 дан то соат 19 гача Акмал Икромов район ижроия комитетн биносида [5-қават, 1-хона] район аҳолисининг «Тошкент оқшомн» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг раҳбарлари ва бўлим мудирлари томонидан қабулн уюштирилади.**

**Район аҳолисн эътиборини яна шу нарсага жалб этмоқчимизки, агар сиз бирор сабаб билан юқорида кўрсатиб ўтилган телефонларга қўнғироқ қилолмасангиз ёки қабулга киролмай қолсангиз ўзларингизнинг таклифларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизни ёзма равишда редакция адресига «Сайёр редакция» деган белгини қўйган ҳолда йўллашингиз мумкин.**

Ягона қардошлик оиласида

## Куйлайман шаънингни эй, она-Ватан, куйлайман сени мен ҳур республикам!

### Эстония Совет Социалистик Республикаси

**Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизнинг барча иттифоқдош республикалари партия XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошириш, жамиятимизни янада демократлаштириш ва қайта қуриш йўлида сабот билан иш олиб бормоқдалар. Улар ўртасида Эстония Совет Социалистик Республикаси ҳам фахрли ўрин тутади.**

**Республиканинг бир қатор тармоқлари корхоналарида — енгил саноатда, савдода, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида экспериментлар ўтказилмоқда. Бундан мақсад мавжуд соцнал проблемаларни ҳал этиш, аҳолининг харидоргир молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашдир. Бир неча министрликларнинг тугатилиб, давлат агросаноат комитетининг ташкил этилиши хўжалик ҳисобидаги ягона қурилиш комплекси яратишни кўзда тутади. Бундай қайта қуриш уй-жой қурилишини кенгайтиришга ҳамда ҳар бир онлани 2000-йилгача алоҳида шинам квартира билан таъминлаш имконини беради.**

**Бугун биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қардош иттифоқдош республикалар йўқламасини бошлаяпмиз. Шундай қилиб, дастлабки ҳикоямиз — Эстония Совет Социалистик Республикаси ва унинг пойтахти Таллин ҳақида.**

(Қардош Эстония ССРга бағишланган туркум материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).



СУРАТДА: Эстонил пойтахтидаги йирик микрорайонлардан бири Ласнамяэнинг кўркам бинолари. 1990 йилга бориб бу микрорайонда 200 минг киши уй тўйларини ўтказади.

Ю. Венделин ва В. Рудько фотоси. ТАСС фотохроникаси.

# КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

## Эстония Совет Социалистик Республикаси

Таллин Эстониянинг йирик саноат ва маданий маркази ҳисобланади.

СССРнинг муҳим ташқи савдо ва балиқчилик портларидан бири бўлган Таллинда кўпгина саноат тармоқлари, шу жумладан, машинасозлик корхоналари бор. Бу ерда Эстония ССР Фанлар академияси, политехника ва педагогика институтлари, бадиий институт, консерватория ва бошқа кўплаб илмий ва маданий муассасалар бор.

Республика пойтахти Таллинга 1154 йилда асос солинган. Бу ерда кўплаб тарихий ва архитектура ёдгорликлари сақланган.

1970 йил 27 ноябрда Таллин шаҳри хўжалик ва маданий қурилишда, саккизинчи беш йиллик топшириқларини адо этишдаги муваффақиятлари учун Ленин ордени билан тақдирланган.

Агар шаҳар тарихига назар ташласак, кўпгина воқеаларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1902 йилда М. И. Калинин бошчилигида (у чор охранкаси томонидан Таллинга сургун қилинган эди) барча революцион группалар тўтараккa бирлашди. Таллин ишчиларининг бу тўтараги Таллин социал-демократик ташкилотига асос бўлди. Эстония меҳнаткашлари рус ишчилари билан биргаликда, Петроград пролетариати билан бир сафда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун курашдилар. 1917 йил 26 октябрь (8 ноябрда) Эстонияда Совет ҳокимияти ғалаба қозонди...

Бугунги кунда Эстония қишлоқ хўжалиги ривожланган, индустриал республикага айланган. Қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланмоқда. Болтиқ бўйидаги бошқа республикаларга нисбатан Эстония ССР ёқилғи-энергетика ва химия саноати учун анчагина катта ресурсларга эга. Ёқилғи ресурсларининг муҳим турларидан бири торфдир. Эстония ССР торф запаси бўйича аҳоли жон бошига ҳисоблаганда биринчи ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда республика Фанлар академияси илмий ишларнинг марказига айланган. У 1946 йили ташкил этилган эди. Ўн бешта илмий муассасада кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Унинг пойтахти Таллинда бешта театр ишлаб турибди. Опера ва балет театри, драма театри, ёш томошабинлар театри, рус драма театрини томошабинлар жуда севадилар. Таллинда давлат филармонияси ҳам муваффақиятли иш олиб боряпти. Айниқса бу ерда эркаклар хори кенг шуҳрат қозонган. Халқ байрамларини ўтказиш чоғларида манзара бутунлай бошқача бўлиб кетади. Бу ашула байрамларида ўн минглаб қўшиқчилар иштирок этишади. Тингловчиларни-ку қўяверинг. Улар сони ҳатто 200 минг нафардан ҳам ошиб кетади. Масалан, 1969 йилда Эстония пойтахтида ашула байрамининг 100 йиллиги юбилейида беқиёс даражада катта тантана бўлди.

Эстония ССР ва унинг пойтахти Таллин мамлакатимиздаги барча қардош халқлар билан мустаҳкам маданий алоқалар ўрнатган. Бу ерда мунтазам равишда қардош халқлар маданият декадалари ўтказиб турилади. Шунингдек дўстлик концертлари уюштирилмоқда. Музика асарларини ўзаро алмаштириш, фильмлар, театр репертуарлари, бадиий виставкалар юзасидан тажриба алмашишлар кенг йўлга қўйилган. Ҳамкорликда бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинмоқда. Фақат бугина эмас, чет эл мамлакатлари, энг аввало социалистик мамлакатлар билан маданий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда.


Юқорида биз Эстония ССРда партия XXVII съезди қарорлари асосида янгичасига иш юритилаётганлигини айтиб ўтган эдик. Ҳозир бу ерда бир қатор иқтисодий ўзгаришлар ҳам рўй бермоқда. Олимлар ва мутахассислар кўпгина хўжаликларда — давлат агросаноат комитети системасидаги хўжаликларда хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтиш имконини берадиган ўзгаришларни амалга оширмоқдалар. Бу ўз-ўзини молиявий жиҳатдан янада тўлароқ таъминлаш ва колхоз-совхозларнинг янгича иш юритишини таъминлаш имконини берадиган ўзгаришлардир. Бугина эмас, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари раҳбарларини, депутатларни сайлаш ҳам янгичасича ўтяпти. Ишлаб чиқариш ва хўжалик раҳбарлари лавозимига конкурслар уюштирилмоқда.

Бугунги кунда бошқа республикаларнинг буюртмаларини ўз вақтида аъло сифатли бажариш эстон халқининг интернационал бурчига айланган. Республика ўзининг энг яхши кадрларини Тюменга, БАМга, Ноқоратупроққа, Чернобилга юбормоқда. Республика ва унинг пойтахти ягона қардошлик оиласида кундан-кунга камол топмоқда.



Таллин политехника институтида 9.000 студент таълим олиб, 1.000 нафар аспирант илмий иш билан шуғулланмоқда. Бу ерда ўттизга яқин миллат вакиллари билим олмоқда.

СУРАТДА: олий ўқув юртининг иқтисод факультетида лекция.



Эстония ССР Фанлар академиясининг Тартудаги астрофизика ва атмосфера физикаси институти бугунги кунда республиканинг йирик илмий марказларидан саналади.

СУРАТДА: шу илмий марказда жойлашган Тираверск обсерваторияси.

## Ҳар ким ўз иш жойида

«Таллэкс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструкторлари шанбаликларни ўз иш жойларида чизма столлар ва дисплейлар ёнида ўтказишни таклиф этдилар.

Бу тадбир қайта қуришнинг, инженерларнинг обрў-эътиборини, бинобарин уларнинг меҳнати самарадорлигини оширишга имкон берган таъсирини кўрсатувчи яққол мисолдир.

«Таллэкс»да конструкторлар, жумладан автоматлаштирилган лойиҳалаш системасини ўз тасарруфларига олдилар. Эндиликда унинг ёрдамида ҳар бир иш куни конкрет натижалар бермоқда: мелиорация экскаваторлари янги туркуми учун мураккаб узеллар аниқ ҳисоб қилинмоқда.

Конструкторларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам ўзгарди. «Таллэкс»да самара ва малакаси даражасига қараб мутахассисларнинг маошларига қўшимча ҳақ қонунлаштирилди. Бундай система тенгчиликни тугатишда ёрдам берди ва инженерларнинг меҳнатини рағбатлантирмоқда, уларни энг муҳим вазифаларни ҳал этишга ундамоқда.

Шунинг учун ҳам ўтган шанбаликда малакали мутахассислар территорияни ободонлаштиришдан кўра чизма столлари ёнида каттароқ самарага эришадилар деган қарорга келинди. Ободонлаштириш ишлари билан эса оталикдаги мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва бирлашма маъмурий аппаратидаги техник ходимлари шуғулландилар.

## Замин табассуми

Эстония адабиётининг классиги А. Х. Таммсарре ўрмонлар ва ботқоқликлар орасида воя етди. Адибнинг машҳур «Ҳақиқат ва ҳуқуқ» эпопеяси қаҳрамонларининг машаққатли турмуши ҳам мана шу ерда кичик-кичик тошлоқ далаларда ўтган. Хуторлик Андрес ва унинг хотини Криит бир парча ерга ўзларининг бутун кучларини бағишладилар, уларнинг ёшлиги ва саломатлиги теварак атрофдаги ботқоқликларга бахшида бўлди, аммо мақсадларига — фаровон ҳаёт кечириш орзусига эриша олмадилар. Замин уларнинг меҳнатларига яраша наф келтирмади.

— Бизга ҳам замин осонлик билан кулиб боқмади, — дейди Пайдес районидаги «Аравете» колхозининг раиси Алар Айнумяэ. Иродали, камгап, жиддий қиёфали бу киши қайсидир фазилатлари билан варгамяэлик Андресни эслатади. Айтгандай, қўшни хўжалик заминида сақланиб қолган бу хутор ҳозирги вақтда ёзувчининг музейига айлантирилган.

Ҳақиқатан ҳам Алару Айнумяэ деярли чорак асрдан бери тинимсиз меҳнат қилади. Ҳозирги вақтда хўжалик аҳолиси фаровон яшамоқда. Улар зах ерларнинг сувини қочириб, лахтак-лахтак далаларни йирик массивларга бирлаштирдилар. Замонавий чорвачилик фермалари бунёд этилди.

— Биз қишлоқда социал революцияни амалга оширишга қаратилган йўлимизни М. С. Горбачев яқинда Эстонияда бўлиб ўтган учрашувлари вақтида қизғин қўллаб-қувватланганлигидан хурсандмиз, — дейди Алар Айнумяэ,—замин одамлар ғамхўрлигига жавобан саҳоватини оширган сари, улар колхоз мўл-кўлчиликдан баҳраманд ягона мустаҳкам меҳнаткаш оилага айланганлигини кўриб, ўзларини қайта дунёга келгандек ҳис қилмоқдалар. Одамлар бундай мўл-кўлчилик ўз-ўзидан бўлмаслигини, ҳар бир кишининг сарфлаётган куч-ғайрати самараси эканлигини яхши тушунадилар.

Колхоз правлениеси ўтган йили далалар ва фермалардан олинган беш миллион сўм соф даромаднинг салмоқли қисмини яна социал программага сарфлади. Колхозчилар йиғилиши буни маъқуллаганлигидан райснинг чеҳраси ёришди. У одамларнинг маъқуллашида бундан юз йил муқаддам мана шу ердаги хуторда яшаган Андрес ва унинг хотини Криит орзу қилган замин табассумини кўрди.

## «Таллин» кўчаларида байрам

«Таллинстрой» трести КрАЗ машиналари ҳайдовчилари комплекс бригадасининг аъзоси Лембит Поттининг анкетасида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Яшаш жойи — Эстония ССРнинг Раквере шаҳри. Иш жойи — Тюмень областининг Когалим шаҳри». Л. Поттининг ўзининг 300 дан ортиқ ўртоқлари сингари мана етти йилдирки, ўз қадрдон шаҳридан уч минг километр олисда — Ғарбий Сибирдаги нефтчилар шаҳрини вахта усулида бунёд этмоқда.

— Эндиликда Раквередаги квартирамми ёки Когалимдаги ётоқхонамми қай бири мен учун қадрлироқ эканини айтишим қийин,—дейди Таллин-Сургут маршрути бўйлаб махсус рейс билан учаётган ТУ—134 самолёти креслосида бамайлихотир ўтирган Лембит. — Қариндош-уруғларим Эстонияда, ишим эса Тюмень областида.

Когалимга келган дастлабки кунлар тўғрисида Лембит бундай деди: ўша пайтда Ханти-Манси автоном областининг Тайгадаги Когалим посёлкасида бир неча юз киши яшарди. Бу ердан бой нефть конлари топилди. Мана бир йил ичида Когалим аҳолиси деярли ўн баравар кўпайди. Посёлка мамлакатнинг олдинги жабҳасини нефть билан таъминлайдиган масканга айланди.

Ҳозирги вақтда Когалимга шаҳар статуси берилди ва у ерда ўн минглаб аҳоли истиқомат қилмоқда.

—Мана Таллин кўчаси. Вильнюс ва Рига кўчалари у ёки лан ёнма-ён тушган. Бу дўстлик майдони. Биз уни қурилиш программасидан ташқари латишлар ва литвaликлар билан биргаликда бунёд этдик. Биринчи болалар боғчасини ҳам худди шу усулда қурдик. Нефтчилар бу ерда вахта усулида ишлаш учун эмас, балки доимий яшаб қолиш учун оилалари билан кўчиб келишмоқда.

Республикада Эстониядан ташқарида муҳим халқ хўжалик объектлари ва уй-жойлар қуришда бой тажриба орттирилган. БАМдаги Кичера посёлкаси ва Карелиядаги Костамукша шаҳри, Тюмень областидаги Пим ва Когалим шаҳарлари — булар мамлакат харитасидаги республика вакиллари меҳнат қилаётган жойлардир. 1987 йилда бу рўйхатда навбатдаги Таллин кўчасининг янги адреси пайдо бўлди: Чернобилдан қирқ беш километр нарида АЭС энергетиклари учун янги Славутич шаҳри қурила бошланди. Шаҳарни Украина, Россия Федерацияси, Закавказье ва Болтиқбўйи республикаларининг вакиллари бунёд этмоқдалар.

— Мен болалигимда, одамлар уруғдан кейин Когалимдаги сингари кўп миллатли аҳил оила бўлиб Эстонияни култепалардан қайта тиклаганликларини яхши эслайман, — дейди ўз машинасини посёлка томон ҳайдаб бораркан Лембит Поттн. — Эндиликда мен ҳам мамлакатимиз қурувчилари худди шундай ягона оиласининг аъзосидирман.

Арви СИИГ.

## Янги манбалар

Запас қисмлар тайёрловчи янги манбалар Тамин техник ҳизмат кўрсатиш станцияларида автомобиллар ремонти муддатини қисқартиришга ёрдам берди. Эндиликда якка шартномага мувофиқ ишлайдиган кооперативлар ва усталар пластмасса ҳамда тунукадан ишланадиган тахчил деталларни тайёрлаб бермоқдалар. Маҳсулот асосий ишлаб чиқариш қолдиқларидан ясалмоқда ва шартномада белгиланган нарх билан сотилмоқда. Бу нарх давлат нархидан салгина ошиқроқдир. Станциялар мустақил ишлайдиган кишиларни машина-ускуналар билан таъминламоқдалар.

## ДЎСТЛАРДАН ЯШИРАДИГАН СИРИМИЗ ЙЎҚ

Мазкур препарат ижодкорлари Эстония ва Белоруссияда истиқомат қилишади. Икки қардош республика мутахассислари ва олимлари қора моллар озуқасига қўшиб бериладиган самарали оқсил моддалари ишлаб чиқаришни биргаликда йўлга қўйдилар. Практика бундай моддалардан фойдаланиш моллар маҳсулдорлигини анча оширишини кўрсатди.

Ҳамма нарса Эстониянинг «Куусалу» колхозида бошланди. Хўжалик мутахассислари биопрепарат олиш учун пишлоқ пиширш чоғида чиқадиган зардобдан фойдаландилар. Бу иш анчә мураккаб эди. Баъзи нарсаларда дўстлар билан маслаҳатлашишга тўғри келди. Шунда тадқиқот группасидаги коммунистлар шунга ўхшаш тадқиқотлар олиб борилаётган Белоруссия микробиология институтининг мутахассисларидан ёрдам сўрашни таклиф қилдилар. Ҳамкасблар бу таклифни бажонидил маъқулладилар.

Мана янгилик Эстония колхозида дастлабки синовдан ўтди. Иш натижалари кутилганидан ҳам зиёда бўлди—колхоз молларининг бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда салкам 600 грамм семиришига эришилди. Тез орада белоруссиялик чорвадорлар ҳам янги биопрепарат унумли эканини тасдиқладилар.

Ҳамкасбларнинг самарали ҳамкорлиги муҳим янгиликни агросаноат секторида кенг жорий этишга йўл очиб берди. Яқинда Куусалуга Қозоғистоннинг «Путь Ильича» колхозидан мутахассислар келишди. Уларга ҳам зардобни витаминли қўшимчага айлантириш «сирлари» сўзлаб берилди. Ҳозирги вақтда Литва ва Озарбайжонда, Россия Федерациясининг бир қанча областларида шундай биологик цехлар ташкил этилмоқда.

## Бувим ҳақида хотиралар

Мен сенинг ажинлар шудгор айлаган,
ялдо кечаларида
хира чироқ шуъласида ўқиганларинг —
муқаддас китобнинг саҳифаси янглиғ
қорайган юзингни эслайман.
Сен кексайдинг худди кўҳна Эстониядай.
Кўкламда қулф урган олчалар гули —
дарахтларнинг елкаларида
ўзинг ўз қўлларинг билан ювганинг
оппоқ, тоза чойшаблар бўлиб
туюлганди у пайтлар менга.
Мен пиллага ўрангандай ётдим уларда.
Сен кексайдинг худди кўҳна Эстониядай.
Ёз.
Далалар, боғлардаги
рангу рўёлар —
сандиғингдан чиқариб сен
қуёшга ёйган
ёшлик кийимларинг эслатар эди.
Сен кексайдинг худди кўҳна Эстониядай.
Кузда эса қўлларингда ялтирар эди
мўъжаз-мўъжаз шохалардай-игналар.
Тизларингда митти-митти ғарамлар бўлиб
бўй чўзарди сен тўқнётган либос енглари.
Олислардан
мангуликдай чўзилган эди
Кумуш ип мисоли
деразадан тушаётган қуёш шуъласи.
Ёнингдаги саватда эса
юмаларди оқ калавалар.
Шундай қилиб ўзинг учун тўқиб
битказдинг
поёни йўқ, туганмас қишни.
Баҳорни эса
мерос кабн қолдирдинг менга.

Сирожиддин САИДОВ таржимаси.



СУРАТДА: Эстония Давлат академик опера ва балет театри солисти, СССР халқ артисти Ану Каал.

Ю. Вейдемин ва В. Рудько фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

Мазкур туркум материалларни ТАСС ва «Тошкент оқшоми» мухбирлари тайёрлашган.

## Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## ҲИНД ҚИЗИ СССРга КЕЛАДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳридан Нахид Жаъфар исмли ўқувчи қиз «Ҳиндистон — Совет муносабатлари ва бу муносабатларнинг тарихий истиқболлари» мавзунда ёзилган иншо конкурсида ғолиб чиқиб биринчи совринни — Совет Иттифоқи бўйлаб ўн кун саёҳат қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Республиканинг ўн минглаб гражданлари қатнашган бу мусобақани ҳафталиқ «Московские новости» газетаси, «Международная книга» Бутуниттифоқ бирлашмаси ҳамда Ҳиндистондаги бир қанча катта-катта нашриёт ва китоб савдоси фирмалари ташкил этганди.

Конкурс совринларини топшириш тантанали маросимда Деҳли университетининг ректори Муниз Раза гапириб, ўқувчилар ёзган иншолар ҳинд халқининг Совет Иттифоқидаги дўстларига бўлган энг яхши ҳис-туйғуларини акс эттиради, деб таъкидлади.

Нахид Жаъфар журналистлар билан суҳбатда ўз иншосида Ҳиндистон болаларининг Совет Иттифоқидаги тенгдошларига бўлган муносабатини, тинч осмон остида яшаш истагини ифода этишни ҳоҳлаганлигини айтди. «Қўшиқ айтиш, ўйнаб-кулиш, янги, ажойиб келажакни бунёд этиш учун бугунги кунда инсоният бошн узра пайдо бўлган энг катта хавф—ядро хавфини тугатишда биз катталарга ёрдам беришимиз керак»,—деди у.

Конкурс жюрисининг номига кўпгина қизиқарли иншолар юборган 112 ўқувчига ҳам рағбатлантирувчи совринлар берилди.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида Польша Бирлашган ишчи партияси ўнинчи съездининг қарорлари асосида ишчилар синфининг жамиятдаги ролини кучайтириш, партиянинг меҳнаткашлар кенг оммаси билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Польша жамияти энг кўп сонли группаси бўлган ишчилар синфи проблемалари, деб уқтирилади мажлис ҳақидаги ахборотда, партия билан давлат раҳбарларининг доимо диққат марказида турибди. Тобора кўплаб ишчилар ПБИП сафларига аъзо бўлиб кирмоқдалар. Партиянинг раҳбар органларида уларнинг ваколати ўсиб бормоқда. Бироқ барча соҳаларда ПБИПнинг фаолиятини кучайтириш учун, новаторларча фикр юритиб, фидокорона меҳнат қилаётган, энг яхши ходимларни кўтариш ва рағбатлантириш учун партия ташкилотларида фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуддир, деб таъкидланади ҳужжатда.

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи собиқ ёрдамчиси Роберт Макфарлейн Эронга қурол-яроғ сотишдан олинган маблағларни Никарагуа контрасларига топшириш махфий операциясидан президент Рейган яхши хабардор бўлганлигини кўрсатувчи янги фактларни келтирди. У чоршанба куни конгрессда янги маълумотларни келтиришни давом эттириб, президентнинг хоҳишига кўра, контрасларга мадад бериш учун АҚШ миллий хавфсизлиги кенгаши қандай чораларни кўраётганлиги тўғрисида уни тез-тез хабардор қилиб турганлигини айтиб берди. «Сиз ва сизнинг ходимларингиз президентнинг хоҳишини бажариш учун ҳамма ишни қилаётганлигингиз ҳақида президентга хабар қилиб турдингизми?», деб сўради Макфарлейндан конгресс аъзоси Эдвард Боуленд. Президентнинг собиқ ёрдамчиси бу саволга «тез-тез хабар қилиб турардик» деб жавоб берди. «Неча марта хабар қилдингиз?», деб савол берилди. «Ўн марталаб хабар қилганмиз», деди Макфарлейн.

* * *

МАНАГУА. Сандиночилар халқ армияси АҚШ марказий разведка бошқармасининг контраслар ёрдами билан Никарагуа шимолидаги республика территориясининг бир қисмини босиб олиш ва «Солид шилд—87» машқларида қатнашаётган Америка қўшинларининг ёлланган қучларга бевосита мадад беришдек жинояткорона режасини барбод этди. Никарагуа мудофаа министри Умберто Ортега бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтганидек, сандиночилар халқ армиясининг бўлинмалари контрасларни Хинотега департаментидаги Амака ва Бокай дарёлари билан чекланган райондан суриб чиқардилар. Бу зона инженерлик иншоотлари билан яхши мустаҳкамланган, алоқа воситалари билан таъминланган эди. МРБ босиб олинган территорияни кенгайтириш учун 800 нафар ёлланган газандаларни шу ерга ташлади. Ана шу территория АҚШ қўшинларининг тўғридан-тўғри аралашуви учун фойдаланилган бўлур эди. Бироқ сандиночилар армияси бўлинмаларининг зарбаси остида контраслар Гондурасдаги ўз доимий базаларига қочиб кетишди. Илгари улар эгаллаган район Никарагуа маъмурлари томонидан тўла-тўкис назорат қилинмоқда, деди мудофаа министри.

## МИЛЛИЙ ЯРАШНИНГ БОРИШИ

КОБУЛ. Аксилинқилобчи қуролли гуруҳларнинг 130 дан кўпроқ аъзоси Афғонистоннинг Парвон вилоятида таслим бўлди. Бир неча йил муқаддам душман пропагандаси таъсири остида жонажон юртларини ташлаб кетган 360 нафар афғон шу вилоят шаҳар ва қишлоқларига қайтиб келди. Лағмон вилоятидан олинган хабарга кўра, мазкур вилоятнинг уезларида мингга яқин киши жонажон юртига қайтиб келган.

## ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Эрон территориясининг ичкарисига 70 марта жанговар учиш қилди. Исфаҳон ва Табриздаги нефтни қайта ишлайдиган корхоналарга зарбалар берилди, деб хабар қилди бош ҳарбий қўмондонлик. Зенит ракета батареяси яксон қилинди. Шуштер районида Эроннинг уч ҳарбий лагери бомбардимон қилинди. Эрон соҳили яқинида «денгиздаги катта нишон» маҳв этилди. Фронт чизиғи бўйлаб душманнинг йиғилган қўшинларига ҳаводан зарбалар берилди. Ҳамма самолётлар базаларига қайтиб келди. Шимолий ва марказий участкаларда. Майсан сектори ва Басрадан шарқроқда маҳаллий аҳамиятга молик жанглар олиб борилди.

* * *

НИКОСИЯ. ИРНА агентлигининг хабар беришича, кеча фронтнинг шимолий участкасида Ироқнинг бир неча таянч пунктлари ишғол қилинган. Кўплаб ҳарбий техника қўлга олинган. Жанубий участкада душман позициясига рейд ўтказилди ва Ироқ командалигининг батальони бутунлай тор-мор келтирилди. Артиллерия душман қўшинлари йиғилган жойларни ўққа тутиб турди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари бир қанча районларда Эрон осмон чегарасини бузиб киришга уринган душман авиациясининг хатти ҳаракатларини барбод этдилар.

### Калейдоскоп

АЖИБ ХИЗМАТ

Йўлга отланган ёлғиз киши вокзал перронида ёки аэропортда ёру-биродарлари билан ўраб олинган бошқа бир йўловчини кўриб кўнгли ўксийди.

Филадельфиядаги (АҚШ) хизмат-беминнат фирмаларидан бири бундай ҳолатни кўриб, тушуниб, хоҳловчиларга «ажойиб ҳолдаги» хайрлашиш маросимларини ташкил этди. Масалан, фирма ходими сизни кузатаётиб йиғлаши ҳам мумкин, агар керак бўлса, бўсаларга кўмиб, узоқ вақт қўлидаги рўмолчасини силкитиб, сиз билан хайрлашиши ҳам мумкин. Албатта, бундай хизматлар яхши ҳақ тўлагандагина бажариладн, деб ҳикоя қилади Чехословакиянинг «Люд» газетаси.

ҒАЛАТИ ОПЕРАЦИЯ

Балтимора (Буюк Британия) шаҳри госпиталининг жарроҳлари ўзига хос операция ўтказдилар.

28 ёшли киши (госпиталдагилар ҳанузгача касалларнинг исми-шарифини айтишмаяпти) тезда ўпка алмаштириши керак эди. Ўзининг ўпкаси эса тузалмас касал туфайли ишдан чиққан. Бироқ, бундай операция фақат юрак билан бирга кўчирилган тақдирдагина, муваффақиятли чиқиши мумкин эди. Шундай қилинди ҳам. Врачлар соппа-соғ юракни бошқа бир кишига ўтказишди. Ҳозирги вақтда уларнинг иккови ўзларини яхши ҳис қилишмоқда, врачларнинг ваъда беришларича, яқин орада улар бир-бирлари билан танишишлари мумкин.

*Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар*

## Тинчлик рейси

Термиз—Тошкент маршрути бўйлаб учувчи Як-40 лайнерининг командир В. Пономарев бошчилигидаги экипажи Тинчлик фондига авиарейс бажарди. Стюардесса Т. Харченко одатдаги ахборотдан кейин пассажирларга шуни маълум қилди. Бу рейс Ўзбекистон жамоатчилигининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун урушга қарши ҳаракатлар ҳафталиги доирасида амалга оширилган яна бир тинчликпарварлик иши бўлди. Пассажирлар «Халқларнинг тинчликка даъвати» остига имзо чекдилар. Экипаж аъзолари ўзларининг кунлик иш ҳақини совет Тинчлик фондига ўтказдилар.

Тошкент аэропортида экипажни Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Комитетининг ва совет Тинчлик фонди республика бўлимининг активлари кутиб олдилар. Бўлим раиси СССР халқ артисти С. Эшонтўраева экипажга совет Тинчлик фондининг Фахрий ёрлиғини топширди.

## Музика халқларни бирлаштиради

Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Боқижон Раҳимжонов Болгария ва Гвинея почта маркаларига, XIV—XV асрлар шарқ миниатюраларига қараб ғалати бир музика асбобини яратди.

Маркаларда, турли замонлар ва давлатларнинг миниатюраларида ўрта аср ўзбек танбурига ўхшаш сознинг ўзи тасвирланганди. Бу ўхшашлик музикачини лол қолдирди ва у тадқиқот бошлаб юборди. Раҳимжонов қадимги Миср санъати тўғрисидаги китоблардан бундай соз тўғрисида ёзилган биринчи маълумотларни топди. Бу китобда қадимги ҳукмдорлар Рамзир ва Кенамон даҳмаларининг деворий расмларида созанда аёллар тасвирланганди.

Мутахассис бир неча йил мобайнида араб мамлакатлари ва Туркиядан танбурга ўхшаш кетадиган халқ чолғу асбоблари коллекциясини йиғди. Бунда Тошкентнинг олий мактабларида таълим олаётган ажнабий студентлар ҳам ёрдам бердилар. Сурия-дан танбурлар ва халқ оҳангларининг нотолари солинган дастлабки посилкалар келди. Тошкент консерваториясининг мутахассислари Болгариянинг Габрово шаҳрига боришганида уста Стефан Петров худди шундай болгар созини тайёрлаш тажрибаларини баҳам кўрди.

Шундай қилиб, Боқижон Раҳимжонов ўзидан аввалги созларнинг энг яхши хусусиятларини мужассам этувчи замонавий танбур ясашни ўйлаб қолди. Ўзбек устаси Сирожиддин Муҳиддинов бу ишда унга ёрдам берди. Музикашунос олимларнинг фикрича, янги музика асбоби замонавий музиканинг барча талабларига мос кела олади. Ўн тўққиз парда, сим тор ва диапазон кенглиги бунга кўмаклашади. Танбур ана шу хоссалари туфайли халқ музикаси шинавандаларига манзур бўлди.

Тошкентдаги 23-музика мактабининг ўқувчилари реконструкция қилинган танбурнинг биринчи ижрочилари бўлдилар. Улар қадим ижро этилган курд, ва болгар, Африка ва ўзбек халқ оҳангларини ҳамда классик асарлар, замонавий композиторларнинг асарларини янгратдилар.

**Н. ПОЛЯНСКАЯ,**
**Ўзтаг мухбири.**

## Бу—қизиқ!

### *Гравюрали альбом*

Бу ноёб альбом бундан деярли икки аср олдин босмага тайёрланган эди. 40 та гравюра асарини ўз ичига олган мазкур нашр Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасининг камёб адабиётлар бўлимида эъзозлаб сақлаб келинмоқда.

Қизиқарли томони шундаки, Мисрда чизилган ана шу асарлар устида француз рассоми Доменико—Вивано Денон зўр илҳом билан ишлаган эди. Нафис чизилган гравюраларда сайёҳ таассуротлари ўз тасвирини топган эди.

Кейинчалик бу тарихий альбомнинг бир нусхаси кишинёвлик И. Липранд шахсий кутубхонасидан ўрин олди. Мазкур кутубхонадан ўз вақтида улуғ рус шоири А. С. Пушкин ҳам баҳраманд бўлиб, ажойиб альбом саҳифаларини варақлаган.

Тарихий альбом Кишиневдан ана шу шахсий кутубхона билан бирга Тошкентга олиб келинган.

**А. АЛИЕВ.**

# *«БАҲОР» КОНКУРСИ*

Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар Дўстлиги ордени Тошкент политехника институтининг механика-машинасозлик факультетида анъанавий «Баҳор—87» конкурси бўлиб ўтди. Факультет студентлари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу конкурс институт коллективи, шунингдек бошқа ўқув юртлари коллективлари ўртасида кенг шуҳрат қозонган.

Конкурс ўтказилишидан мақсад — студентларнинг ижодий қобилиятини кенг намойиш этиш, уларнинг чуқурроқ билим олишларига кўмаклашишдан иборат. Бунинг учун институтда барча шарт-шароитлар муҳайё. Студентлар бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларида актив иштирок этишмоқда.

**Мақсуд АКРОМОВ.**





**СУРАТЛАРДА:** зал томошабинлар билан гавжум; факультетнинг хор коллективи қўшиқ ижро этмоқда.

**Н. Муҳаммаджонов** фотолари.

# Боғ ва томорқа юмушлари

## Ёмғирли ойлар

**Бу йилги баҳор чор-атрофни яшил либосга буркаб кўзни қувонтирса-да, одамларга ўзининг «қилиқлари» билан бирмунча ташвиш келтирди. Айниқса, апрелнинг иккинчи ўн кунлигида ёғин миқдори меъёридан 3,5 баробаргача ошиб кетиб, республикамизнинг кўпроқ қисмида 20 дан 65 миллиметргача ёғди. Бунга асосий сабаб ўлкамизга жанубий циклонлар ва Ғарбий ҳаво оқимининг мамлакатимизнинг Европа қисмидаги совуқ ҳаво оқимларининг кириб келишидир.**

**Умуман айтганда, бу қадар ноқулай бўлган баҳор кейинги 30 йил ичида кузатилмаган. Бу йилги баҳор шароитларига 1964 ва 1969 йиллар сал ўхшаб кетади. Бундан ташқари, бу йилги об-ҳаво шароитлари дала ишларини уюштиришни бирмунча қийинлаштириб юборди. Экилган майдонларни сув босиб кетиши, ювиб кетиши ва тупроқ қатламининг босилиб кетиши экилган чигит ва бошқа экинларнинг бир қатор униб чиқишига тўсқинлик қилди.**

**Май ойи республикамизда аҳвол бир мунча яхши томонга ўзгарди: бу пайтда ёғингарчилик бўлмаслиги, ҳаво ҳароратининг бир оз кўтарилиши экинларни экиш шароитини бир мунча яхшилайди.**

**Май ойининг иккинчи ярмида об-ҳавонинг ўзгарувчан бўлиши кутилади. Шу кунлари ёғаётган ёмғирнинг тез-тез жалага айланиб туриши, шамолнинг тезлиги ошиши мумкин. Бундай об-ҳаво шароити боғ-томорқа ишларини олиб боришда яна бир мунча қийинчиликлар туғдиради.**

**А. АКБАРОВ,**
**география фанлари кандидати.**

## Хомток—мўл ҳосил омили

**Шу кунларда ток тупларида келгуси ҳосил —шўралар пайдо бўлди ва шу билан бир қаторда бу йилги кўк новдаларнинг барг қўлтиғидан янги иккинчи тартибли бачки новдачалар ўсиб чиқа бошлади.**

Шўра хомтокни, ҳеч кечиктирмасдан ўтказиш шу йил олинадиган ҳосилнинг мустаҳкам замини бўлиши билан бирга, келгуси йили олинадиган мўл ҳосил учун катта тайёргарлик ҳисобланади. Чунки шу кунларда ток тупларида бир йиллик кўк новдалар гуркираб ўсмоқда, уларда ҳосил шингиллари барқ уриб шаклланаяпти. Тўғри, ҳамма кўк новдаларда ҳам шўра тўлиқ мавжуд бўлмайди. Айрим кўк новдаларда бир неча барглар ва жингалаклар пайдо бўлиб, улар ҳам фотосинтез ролини ўйнаб, ток учун бир мунча органик моддалар тўплашга ёрдам бермоқда. Шунинг учун шўра хомток қилишда ҳосилсиз кўк новдалардан ҳам бир қисмини ток тупларида қолдиришга тўғри келади. Шу кунларда бултурги пишиб етилган бир йиллик новдалардаги кўзлардан битта, иккита ва айрим кўзлардан учтагача кўк новдалар ўсиб чиқиши мумкин. Шўра хомток қилишда бир кўздан ўсиб чиққан новдалардан битта шўраси бўлган бақувват ўсган новда қолдирилиб, қолганларини секин-аста қўлда бир томонга қийшайтириб олиб ташланади ва шўраси бор новдалар тезликда намланган чипталар ёрдамида саккизсимон қилиб, ток бағазларига охиста тортиб бир текисда қилиб боғланади. Шўра хомток қилишда ток тупида қолдирилган кўк новдаларни ҳеч вақт кечиктирмасдан, пешма-пеш сифатли қилиб бойлаш керак. Акс ҳолда секин эсган шамол таъсирида ҳам ҳали эти қотмаган кўк новдалар ўзининг гавдасини кўтаролмай синиб кетиши мумкин.

Шўра хомток қилиш даврига келиб ток новдаларидан шира сувининг оқиб чиқиши тўхтайди. Шира суви ток тупида пайдо бўлган кўплаб новдаларнинг, новдадаги шўраларнинг ўсиб, шаклланиши учун сарфланади. Май-июнь ойларида бир йиллик кўк новдаларнинг барг қўлтиғида келгуси йили ҳосил берадиган куртаклар шаклланади. Мана шунинг учун ҳам ток тупида ўтадиган мураккаб биологик процессларни нормал ўтишлиги учун ҳам шўра ва ғўра хомтокларни ўз вақтида, кечиктирмасдан сифатли қилиб ўтказиш зарур.

Шўра хомтокни ўтказиш вақтида ток кундасидан бир неча янги кўк новдалар ўсиб чиқади. Одатда, келгуноқда янги занглар барпо қилиш учун улардан ҳар хил масофада жойлашган 3—4 тагача яхши бақувват ўсган новдалардан қолдирилиб, бошқалари чўғиртак қолдирмасдан олиб ташланади. Биринчи хомток қилишда ўтган йилдан қолган керакмас, синган, калта-култа ортиқча эски новдалар кесилади. Шўралар тўлиқ гуллаб бўлгандан кейин ғўралар мошдек катталикда бўлганда иккинчи ғўра хомтокни ўтказиш даркор.

Ғўра хомток қилишда шу йили ўсиб чиққан кўк новдаларнинг барг қўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдаларнинг узунлиги 20—25 сантиметр бўлиш билан тезликда хомток қилиб олиб ташланади. Ғўра хомток қанчалик кечикиб ўтказилса, бачки новдалар шунча ортиқча бўй бериб ўсади, уларнинг танаси яланғочланиб, қотиб қолади. Яланғочланиб қотиб қолган новдалардан ток тупини тозалаш учун, албатта ток қайчисини ишлатишга тўғри келади, натижада қўшимча меҳнат сарфланади.

Ғўра хомток ўтказиб бўлиниши билан тезликда новдалар бағазларга тортиб намланган чипталар билан иккинчи марта саккизсимон қилиб боғланади. Мана шу иккита хомток яхшилаб, сифатли қилиб ўтказилса, шўралар яхши ривожланади, улар нормал гуллайди, кўпчилик гул доналари ғўраларга айланиб, бир текисда ўсади ва шу билан мўл ҳосил олиш имконияти туғилади.

Томорқаларда кишмиш узум навлари тўлиқ гуллаб бўлгандан кейин 4—5 кун ўтиши билан химия мўъжизаси ҳисобланган гиббереллин моддаси билан узум шингилларини ишлаш мумкин. Томорқалардаги токларга гиббереллин сепишда 5—10—20 литр ҳажмидаги автоматлардан фойдаланилади.

Гиббереллин сепилган ток қисмига яхши таъсир қилиб, бу суюқлик теккан узум шингиллари тезликда ўсади ва узум бошлари бир мунча йириклашиб, уларнинг вазни кўпаяди. Бир грамм гиббереллин 10 литр сувда эритилиб, у билан ток шингилларини тўлиқ намланиши керак. Гиббереллин суюқлиги токнинг бошқа қисмига тегса албатта ўша қисми ҳам катталашади. Гиббереллин билан ишланган ток тупларининг тагига қўшимча 5—10 килограммдан чириган гўнг солиб, шарбат суви бериш тавсия этилади. Гиббереллин суюқлиги билан токлар эрталаб ёки кечки салқин вақтларда ишланиши керак.

**М. СОБИРОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.**

## Кувраккина, жон роҳати...

Кўкламнинг куврак неъматларидан бири редиска дастурхон кўрки бўлибгина қолмасдан, айни бир дамда шифобахшлиги билан ажралиб туради. 100 грамм редисканинг илдиз мевасида 25 миллиграмм С витамини мавжуд бўлиб, у киши организмининг мазкур витаминга бўлган бир сутканлик эҳтиёжини қоплайди. Редисканинг таркибига витаминлар: В1, В2, РР, ферментлар, эфир мойлари, инсон аъзоларида ўтаётган ҳаётий жараёнларда фаол қатнашадиган элементлардан калий, кальций, натрий, магний, темир, фосфор, маълум даражада тўқимачалар мавжуд. Булардан ташқари, редиска ўзида фитонцидлар сақлаши туфайли ошқозон бактерияларга таъсир кўрсатади.

Редиска иштаҳага барака беради, ичакнинг тўлқинсимон ҳаракатини уйғунлаштиради. Неъмат таркибида жо бўлган фойдали элементлар одам организмида қоннинг поклашишига, суяк тўқималарининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Калий элементи организмдаги туз-сув мутаносиблигини сақлаб туради, юракнинг ишлаш фаолиятини нормал сақлайди.

Кези келганда редиска билан боғлиқ бўладиган асоратлар ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади. Редиска таркибида таъсирчан эфир мойлари, пурин асосли бирикмалар сақлагани учун меъда жароҳати, никриз касаллиги, жигар ва буйрак хасталиклари билан оғриган беморлар томонидан истеъмол қилиниши лозим кўрилмайди. Чунки мазкур моддалар касалликни қўзғатишга, оғирлашишига сабабчи бўлиши мумкин.

Шифохоналарда даво топаётган, уйларда баҳор неъматти бўлмиш редискага кўнгли «чопган» кишиларга тансиқ нарса сифатида бу неъматдан келтирилиши ҳоллари учраб туради. Беморнинг асоратланмаслиги учун юқорида баён этиб ўтилган касалликларда редиска истеъмол этилмаслиги лозим.

**М. НАБИЕВ, доришунос.**



**«КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ».** Суратдаги бува ўз невараларига ана шу ҳикматни ўргатмоқда. Ниҳоллар ҳам, неваралар ҳам катта бўлса — мевалари ширин бўлиши шубҳасиз.

**В. Таматаев** фотоси.

## Сабзавоткорларга маслаҳатлар

Май сабзавоткорлар учун энг долзарб ой. Чунки, бу йил об-ҳаво ўзига хос келди. Март ва апрель ойларида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши ва ёғингарчиликнинг жуда кўп бўлиши бодринг, помидор, бақлажон, қалампир каби иссиқсевар сабзавот экинларини ўз вақтида (апрель ойида) экишга имкон бермади.

**Томорқа хўжалиги ишқибозларига шуни эслатиб ўтамизки, бодринг, помидор, бақлажон ва қалампирни май ойида тез ва қисқа муддатда экиб тугаллашлари керак.**

**Кўчат ўтқазилган даврда тупроқ сернам бўлиши керак. Орадан 4—5 кун ўтгач кўчат нобуд бўлган жойларини тўлдириб суғориш керак. Бу ойда гармдори ва бақлажон кўчатларини экишни тугаллаш керак.**

**Май эртаги сабзавот экинлари ва картошкага интенсив ишлов бериш ойи ҳамдир. Тажрибали сабзавоткор бу ойнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиб, эртаги экинларни озиқлантириш, қатор ораларини чопиқ қилиш пайида бўлади. Чопиқ қилишдан мақсад — бегона ўтларни йўқотиш, ўсимликлар атрофидаги тупроқни юмшатиш, шу йўл билан илдиз системасининг яхши ривожланиши учун қулай шароит яратиб беришдир. Шунинг учун чопиқни эртаги картошканинг оммавий шоналашидан кечиктирмай ўтказиш, ҳар юз квадрат метр ерга 2,5 — 3 килограмм аммиак селитрасини солиш, ҳар 5 — 6 кунда бир маромда суғориб туриш керак.**

**Бу ойда илдизмевали сабзавотларни (сабзи, ош лавлаги) ва пиёзни ягона қилиш ниҳоясига етказилади. Ана шу экинлар ҳосилининг сифатли ва йирик бўлиши бу иш қандай ўтказилишига боғлиқ. Ягона кечиктириб юборилса, ҳосил кескин камайиб кетиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, илдизмеваларнинг йириклашиши давом этаётган даврда улар баргининг ранги ва ривожланишига алоҳида эътибор бериш керак. Агар баргининг ранги оч яшил ва илдизмеванинг ривожланиши суст бўлса, 10 литр сувга 50—60 грамм ҳисобида ўғитлар аралашмаси (ҳар квадрат метр ерга) билан озиқлантиринг ва ҳар 8—10 кунда мунтазам равишда суғориб туринг.**

**Бодринг экилган ерларга ишлов беришда бутун эътибор унда шона ва ҳосил пайдо бўлишини тезлаштиша қаратилиши даркор. Буннинг учун шоналаш даврида ва гуллаши бошланишидан олдин ҳар юз квадрат метр ерга 1,5—2 килограмм ҳисобида аммиак селитраси билан озиқлантирилади. 25—30 кун ўтгандан кейин шу миқдорда яна бир марта озиқлантирилиши керак. Мева тугиш бошланишгача ҳар 8—10 кунда, ҳосил йиғиб олиш пайтида ҳар 3—4 кунда суғориб туриш бодринг яхши ривожланиб, кўп ҳосил беришига имкон яратади.**

**Май ойида мевали боғлар ва токлар бир марта суғорилиб, тупроқ етилгандан кейин юмшатилади. Шунингдек, токларга оиднумга қарши олтингугурт билан, антракноз касаллигига 1 процентли бордоск суюқлиги, 0,5 процентли купризан ва бошқа препаратлар билан ишлов берилади.**

**Токларга маҳаллий ўғит 2—3 йилда 1 марта 1 квадрат метрга 3—5 килограмм ҳисобида берилади. Айни пайтда минерал ўғитлар билан ҳам озиқлантирилади. Биринчи озиқлантириш пайтида гуллаш олдидан ҳар квадрат метрга 50—60 грамм ҳисобида азот, 40—50 грамм ҳисобида фосфор, 10—15 грамм ҳисобида калий ўғитлари бериш тавсия этилади.**

**А. УМАРОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати, доцент.**

Оқшом суҳбатлари

# *Кўзларда олам мужассам...*

**Тўрт нарсадан кишининг кўнгли нурафшон бўлади: сояга боқмоқдан, оқар сувга тикилмоқдан, чиройли хат, чиройли кишиларнинг юзига назар солмоқдан.**

**«Хулосот-ул Ҳукомо» китобидан**

Ёруғ дунё кўзларда ўз аксини топади, сақланади ҳам. Халқимиз «кўз—дил ойнаси» дейди. Шоир Миннҳожиддин шундай тараннум этади:

**Заминнинг ярми кеча,**
**ярмида кундуз,**
**Кўзларимиз заминдан**
**нусхалар олган.**
**Табиат устомон-да, асра**
**деб инсон,**
**Заминни кичрайтириб**
**кўзларга солган.**

Табиатда ҳаётнинг икки қутби бор — матлуб ва номатлуб. Матлуб кўринишлар кўзга, дилга, бинобарин, бош мияга ижобий таъсир этади. Улар ҳовли, йўлак ва кўчаларнинг ёғ тушса ялагудек топ-тоза бўлиши, рўзғор буюмларининг саранжом-саришта туриши, кийим-кечакларнинг покиза бўлиши, хушсурат, хушбичимлилик, дўст дийдори, ғоят гўзал табиат манзараларидир (оқар сув, сокин кўл). Манзарали гул, кўк майсалар ҳам кўзни қувонтиради.

Кўча ёқаларида, майдонларда етиштирилган рангоранг гуллар, манзарали ўсимликлар бамисоли чаман ичра кишига эстетик завқ-шавқ бахш этиб, саломатлик учун ўз улушини қўшади. Олимларнинг якдиллик билан исботлашига кўра уй, ҳовли гуллари ва ўсимликлар ўстирилган хонадонларда касаллик кам бўлган тақдирда ҳам тез орада соғайиб кетар экан.

Ривоят қилишларича, бўйи етган бир қиз ҳаётдан ноумид бўлиб, ётиб қолди. Муолажада ҳакиму-табиблар ожизлик қилдилар. Бинобарин, қизнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашаверди. Шунда бир моҳир ва доно мусаввир қизнинг соғайиб кетишига сабаб бўлди. Баҳор фасли, қизил гуллар, сайроқи булбуллар расмини чизиб, қизнинг рўпарасидаги деворга осиб қўйди. Шунда у:

— Табиатнинг фарзанди табиатга эргашади, табиатнинг ўзи даволайди, — деди.

Кўзлар қувониб, дил яйрар экан бош мия ва унинг пўстлоғида, яъни киши организмида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй беради. Кўзлар майинлашиб, кўз қорачиғи маромида қисқаради, айни вақтда кўз нури ўткирлашади. Гўёки кўзлар олқиши, кўзлар чапаги, кўзлар сузилиши, кўзлар ёниши ёки чўғдек порлаши содир бўлади.

Кўзлар олқиши, ўз навбатида организмда юзага келган бир қатор ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Юрак жўшқин, томир дадил уради, қон ва кўз косасининг босими маромига келади. Киши рақсга, табассумга мойил бўлади шунда. «Фалончи жуда очилиб кетибди-ку», деймиз. Бу ҳолат инсон кайфиятининг энг яхши, яъни матлуб қутбидир. Кайфияти яхши киши табиатан ҳожатбарор бўлади, кишиларнинг оғирини енгил қилади. Яхши кайфият киши организмининг ҳушёр посбони бўлади. Яхши кайфият кишининг тез соғая бошлашига ёрдам беради.

Шодликдан ҳам кўзга ёш келиши мумкин. Аммо барибир нурафшон кўзлар бамисол чўғдек порлаб тураверади. Яхши кайфият, ижобий фазилатлар, яъни матлуб ҳулқ-атвор қанча тез ёки давомли бўлса соғлик учун шунча фойдалидир. Шунинг учун ҳам узоқ умрли кишилар одатда хушчақчақ бўладилар. Бунда фақат кўзлар олқиши эмас, балки қулоқ (ёқимли, мусиқа, ширин сўз) ва бурун (муаттар ҳидлар) рўшноли-ги ва бошқа омиллар ҳам даркор бўлади. «Кўриш ва тушуниш қувончи табиатнинг одамга ато этган энг азиз инъоми», деб шунга айтилади. Фаридиддин Аттор айтишича, улар ёқимли овоз, гўзал табиат манзаралари, фаровонлик, ширин сўзли аёл ва муроднинг ҳосил бўлишидир.

Ҳар нарсанинг ўлчови бўлганидек, кўзлар қувончининг ҳам ўз меъёри бор. Номатлуб ҳодисалар, кўринишлар, аксинча организмда салбий ўзгаришларни юзага келтиради. Хисрав Деҳлавий душманни (ёмон киши) кўриш, хунук нарсаларга ва шунингдек нурга тикилиш кўз нурини кесади дейди. Қишда, масалан анҳор ва ариқ бўйларида ахлат уюмларини кўриб кишининг табиати хира бўлади. Шундай вақтда нозиктаъб кишининг ранги қув ўчиб, юраги нотинч уради, қизариб ва ҳаттоки қон қуйилиб кетиши ҳам мумкин. Бу ҳаммаси қон таркибида буйрак устки безларининг шираси — адренадин (катастатлар) миқдорининг ҳаддан ташқари ошиб кетишидандир. Адреналин томирларни қисади, қон босими ва ҳаттоки кўз нури сусайиб кетади. Буни, таъбир жоиз бўлса, кўзлар қайғуси деса бўлади. Бу ҳолат халқ тилида «кўрмайин, куймайин» дейилади. Кўзлар қайғуга ботаверса, маъюс бўлаверса қариб ёки бирор дардга чалиниб қолиши ҳеч гап эмас. Ғам-андуҳ, ташвиш, жаҳл-жаҳолатдан оқариб қолган сочлар, глаукомага (кўриш нервининг сўниши) чалинган кўзлар бор-ку, ахир.

Ҳаётдан кўз юмган кимсанинг ёйилиб кетган кўз қорачиғида жаҳл-жаҳолат, қайғу-алам муҳрдек ўз аксини сақлаб қолади. Халқ ўртасида «Кўзидан билувдим-а» деган ибора ишлатилади.

Бир файласуф шогирдидан:

— Айтганларимга тушундингми? — деб сўради.

— Ҳаммасини тушундим, — деб жавоб берибди шогирд.

Шунда файласуф айтибди:

— Ёлғон гапиряпсан, тилинг «тушундим» деса-да, кўзинг «тушунмадим» деяпти-ку.

Бу вазиятда тушунмаганликнинг энг аниқ белгиси шогирднинг кўзидаги ташвиши, яъни сўниш аломатидир.

Жиноят қилган шахс сирининг ошкор бўлишидан доим чўчийди, қўрқади ҳам. Кўзлари бежо киши бирор нуқтага тикилади. Бир ўғрининг уйида тинтув қилинганида ҳеч нарса топилмаган. Шунда бир кимса «манови жойни текширинглар» деб ҳассаси билан ўша нуқтани кўрсатади. Ўғри эса бехосдан «уҳ» тортади. Ўша ердан ўғирланган моллар чиққанидан сўнг ҳалиги кимсадан:

— Буни қандай билдинги? — деб сўрашган.

— Баччағарнинг кўзи бежо эди, ўқдек шу нуқтага отилаверди, — деб жавоб берган у.

Чўғдек ўткир, шунингдек юмшоқ, мулойим кўзлар онанинг фарзандига боқишида намоён бўлади. Аслида эса кўз нури шу вақтда ниҳоятда ўткир бўлади.

Кўзлар қувончига арзигули матлуб ҳулқ-атворлар доимий ҳамроҳимиз ва байроғимиз бўлсин. Машҳур грузин ёзувчиси Н. Думбадзе таъбири билан айтганда, «бу Абадият қонунидир».

**Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА.**
**медицина фанлари кандидатлари.**

— Наққошликни ўрганмоқчимисан?

Музаффар синфдошининг тортинибгина айтган гапларидан чиқарган хулосасини Бахтиёрга билдирди.

— Ҳа, — бош силкиди Бахтиёр.

— Ундай бўлса бизнинг тўгарагимизга қатнаш.

— Ростданми? — Ишонибишонмай сўради Бахтиёр.

Икки дўст ўша куниёқ тўгарак раҳбари Алишер Қаюмовга учрашишди. Сўнг наққошлик сирларини ўрганишни ўзларининг севимли машғулотларига айлантирдилар. Ҳозирги кунда бу тўгарак Н. Островский номидаги шаҳар мактаб ўқувчилари ва пионерлари саройидаги энг гавжум масканларнинг бирига айланиб қолган.

Шу кунларда мактаб ўқувчилари ва пионерлари саройи ташкил этилганлигининг 50 йиллик тантанаси кенг нишонланмоқда. Қизиқувчиларнинг эътиборини бу ердаги экспонатлар ва кўргазмалар алоҳида жалб этмоқда.

СУРАТЛАРДА: мактаб ўқувчилари ва пионерлари саройининг бугунги жўшқин фаолиятидан лавҳалар.

Р. Альбеков фотолари.



# ПАР ЁСТИҚ

(Шингил ҳикоя)

Дилором қозоннинг тувоғини ёпиб ҳовлига сув сепди, челакни қўйиб қўлига супургини олди. Шу чоқ девор орқасидан шанғиллаган аёл товуши эшитилди:

— Ҳа, шум келин! Отагинам қуриб кетган оқ уй-олабарғакларида керилиб ўтирибсанми! Эринг қани?

Дилором девор томонга қараб қўлларини кўксига қўйди:

— Ассалому алайкум, Холниса опа, келган экансизда, поччам, сингилларим, укаларим омонмилар? Укангиз ишдалар, қани бу ёққа, келиб қолярлар...

— Жуда дейман-а, кенг уйнинг келини бўлиб, ҳаммаёққа оро бериб, гулдор гиламу, духоба кўрпача, пар ёстиқларни сўрига солиб, оқ дастурхон ёзиб... Нима бало, бугун ота-онанг меҳмон бўлиб келади, дейман-а, шум.

— Йўқ, келишмайди, ўзим шундай... Уй озода, чиройли турса яхшида, опа. Катта опамлар билан чиқинглар, овқат пишиб қолди.

— Нега сўрига раҳматли онагинам қилиб бериб кетган қизил духоба кўрпачаларни ёздинг. Узингнинг сатин кўрпачаларингни солсанг бўлмайдими? Ҳа, аягансанда, саникини аяйлик, меникини ўйнайлик...

— Йўқ опа, бу кўрпачаларни ўзимиз яқинда оймага қавитдик...

— Укагинамни бизлар ўқитиб одам қилдик. Энди топганини сен ёлғиз еб керилиб ўтирибсан, шум... Бу пар ёстиқларни нега тутасан? Онагинам бир ёстиқнинг ўзидан саккизтасини укамга бериб кетган...

— Сўридаги ёстиқлар ҳам уларники эмас, ўзимизники, — деди кулимсираб, қайин эгачисининг феълига бир оз тушуниб қолган келин ва бундай майда гапларнинг чўзишни хоҳламагандай эгилиб ҳовли супура бошлади.

— Энсаси қотди, шумни, опа! — деди орқасига қараб олиб Холниса.

— Уйингдан олиб келган ёстиқларинг кичик-кичик эди, сўрига қўйилган пар ёстиқлар катта-катта, оймники, ёлғончи!

— қизишди у.

Келин, гарчи, ота-онаси: «Эрингнинг уруғ-аймоғига қаттиқ гапирма, гап қайтарма, ора бузилади», деб тайинлаган бўлсалар-да, бир оз асабийлашди шекилли, қаддини кўтариб майинлик билан жавоб қилди:

— Бу ёстиқларни ҳам кечагина укангиз ишхоналаридан мукофотга олиб келдилар. Ёстиқларимиз кўпайиб кетди. опа. Ойингиз бизга қолдириб кетган саккизта пар ёстиқларни уйингизга олиб кета қолмайсизми? Мен чиқариб берай....

— Ҳо-о-о, чақма чақар, шум! Иннайкейин, укам мени бўғиб ўлдириб қўяқолсин-а?— Холниса орқасига қаради. — Эшитяпсизми, опа? Бу шум келиннинг гапини?!

Шу вақт девор орқасидан ёш қизнинг овози эшитилди:

— Ойи, қаёқларда юрибсиз? Боятдан бери қидираман, укам Ботир газдаги қайнаб турган сувни ағдариб юборди. Икки оёғи куйди...

— Войдо-о-о-од! Ёстиқларинг ордона қолсин!

Холниса девор таги билан кўча эшик томон югуриб кетди.

Дилором ачиниб кетди. «Бориб хабар олсаммикан...», деб кўнгиллади.

**Шеркон ҚОДИРИЙ.**

**[«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 21 майда чиқади].**

**Редактор**
**Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.**

## Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/V да **Оловли фаришта,** 20/V да **Корсар,** 21/V да **Отелло.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 19/V да **Бой ила хизматчи,** 20/V да **Қутлуғ қон,** 21/V да **Қутлуғ қон** (В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи биносида).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 19/V да **Хотиннинг эри,** 20/V да **Нурхон,** 21/V да **Зўлдир.**

## Кино

**19 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» — **Санъат саройи** (16, 18.40, 21.20); телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Чайка** (16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (16, 18.30, 21.30), **Нукус** (13.30, 18.30; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 21.00; телефон 33-05-01).

«ОНА МУҲАББАТИ»—**Санъат саройи** (кичик зал, 18, 21.00).

«ХАТАР АЛОМАТИ»—**Дружба** (17, 20.00; телефон 67-96-87).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» **Дружба** (16, 18, 20.30).

«ЎҒЛИНГИЗ ҚАЕРДА?» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ОТАХОНЛАР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **УзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«КИН ДЗА-ДЗА» — **Искра** (17.15, 20.00; телефон 39-14-59).

«ХОТИРА» — **Қозоғистон** (ҳар соатда).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Қозоғистон** (ҳар соатда).

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Нукус** (16, 21.00).

«ЧАҚНАШ» — **Москва** (19.00).

«ДАЙДИ»—**К. Ёрматов номли** (16. 19.30).

«АРМОН»—**С. Раҳимов номли** (17.30).

«ҚИЁФАДОШ»—**Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ» — **С. Раҳимов номли** (21.00).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» — **С. Раҳимов номли** (18.00).

**20 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» — **Санъат саройи** (10.40, 13.20, 16, 18.40, 21.20; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Чайка** (11, 13.30, 16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (13.30, 16, 18.30, 21.30), **Нукус** (13.30, 18.30; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 21.00; телефон 33-05-01).

«ОНА МУҲАББАТИ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

«ХАТАР АЛОМАТИ»— **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; телефон 67-96-87).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» — **Дружба** (12, 13.30, 16, 18, 20.30).

«ЎҒЛИНГИЗ ҚАЕРДА?»—**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ОТАХОНЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **УзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Искра** (12, 14.30, 17.15, 20.00; телефон 39-14-59).

«ХОТИРЛАШ» — **Қозоғистон** (ҳар соатда).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Қозоғистон** (ҳар соатда).

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ»— **Нукус** (11, 16, 21.00).

«ЧАҚНАШ» — **Москва** (11, 12.30, 14, 19.00).

«ДАЙДИ» — **К. Ёрматов номли** (12, 16, 19.30).

«АРМОН» — **С. Раҳимов номли** (13, 15,30, 17.30).

«ОХИРГИ ВАҒОНГА КИМ ЧИҚАДИ»— **С. Раҳимов номли** (11, 21.00).

## Обуначилар диққатига!

**1987 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДАН БОШЛАБ**

**Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи — ёшларнинг янги**
ҚОЗОҚ ТИЛИДА — «АРАЙ»,
РУС ТИЛИДА — «ЗАРЯ»
**БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ.**

**«АРАЙ» журнали 75603 индекси билан, «ЗАРЯ» журнали эса 75604 индекси билан чоп этиляпти.**

**Обуна баҳоси бир ойга — 30 тийин, уч ойга — 90 тийин, олти ойга — 1 сўм 80 тийин, ўн икки ойга — 3 сўм 60 тийин.**

**ЖУРНАЛЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ ВА «СОЮЗПЕЧАТЬ» Н И Н Г РАЙОН АГЕНТЛИКЛАРИДА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.**

**Справкалар учун телефон 33-73-56, 32-07-96.**

**«СОЮЗПЕЧАТЬ» Н И Н Г ТОШКЕНТ ШАҲАР АГЕНТЛИГИ.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## БАҲОР ВА ЁЗ МАВСУМИ УЧУН

**19—22 МАЙ КУНЛАРИ** болалар пойабзалларининг САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

**УНДА ЧИРЧИҚ, ЯНГИЮЛ, ТОШКЕНТ ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН БАҲОРГИ ВА ЁЗГИ ПОЙАБЗАЛЛАР ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ.**

САВДО-КЎРГАЗМА С И «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИНИНГ ОКТЯБРЬ БОЗОРИДАГИ БОШ МАГАЗИНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Иш вақти: танаффуссиз ҳар куни соат 9.00 дан 20.00 гача.

**«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ** (телефон 42-56-41).

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**

**Ўзбекистон ССР Ҳунартехника таълими давлат комитети**
**Тошкент шаҳар ҳунартехника таълими бошқармаси**
16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1987—1988 ўқув йили учун ҚЎИИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.**

**Ўқиш муддати — 1— 3 йил.**

**Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинадилар.**

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

Билим юртини тугатганлар касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада санъат саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум бор.

ЎҚУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, характеристика, 3х4 см, ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-билим юрти» бекати).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**21 МАЙ СОАТ 19.30 ДА**
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СПЕКТАКЛИ ҚЎЙИЛАДИ.

ОЙБЕК

## «ҚУТЛУҒ ҚОН»

(уч пардали драма)

**Инсценировка муаллифи** — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва А. Тўқай номидаги ТАССР Давлат мукофотининг лауреати **Тошхўжа ХЎЖАЕВ.**

**Саҳналаштирувчи режиссёр** — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Рустам ҲАМИДОВ.**

**Рассом — Анатолий ЖИБОЕДОВ.**

**Композитор — Нурилла ЗОКИРОВ.**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Н. РАҲИМОВ;**

**СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. МУҲАММАДЖОНОВ;**

**Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Ё. АҲМЕДОВ, Т. АЗИЗОВ;**

**Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Я. АБДУЛЛАЕВА;**

**Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати О. НОРБОЕВА;**

**Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, Ж. ТОЖИЕВ, М. ОРИПОВ;**

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Л. БАДАЛОВА, Р. ЁҚУБОВ, О. ЮНУСОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Т. ХОНТЎРАЕВ;**

**Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Т. МЎМИНОВ, С. УМАРОВ;**

**артистлар: Г. ЗОКИРОВА, З. ИСМОИЛОВА, А. РАФИҚОВ, П. НОСИРОВ, Ж. ЗОКИРОВ, Э. КОМИЛОВ, Д. КАРИМОВА.**

**Театрнинг бош режиссёри— Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Латиф ФАЙЗИЕВ.**

**Билетлар СССР Халқлари Дўстлиги саройи ва Ҳамза театри кассаларида соат 10 дан сотилади.**

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА
**ип йигирувчилар, текисловчилар, йиғувчилар, ленталовчилар, тароқловчилар, тўқувчилар, зарядловчилар, ўровчилар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчилари, ремонт ишларини олиб борувчилар, раклистлар, аппаратчилар, бўёқчилар.**

**Ишчилар комбинатнинг ўзида ўз малакаларини оширишлари, ишчи-ёшлар мактаби, тўқимачилик ва халқ хўжалиги институтларининг кечки бўлимларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.**

Комбинат ҳузурида ётоқхона, болалар ясли-боғчаси, ошхоналар, Тўқимачилар маданият саройи, пионер лагери, спорт ва соғломлаштириш базалари, дам олиш зоналари, даволаниш муассасалари мавжуд.

ҲАМЗА РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
**электр-пайвандчилар, слесарь-вентиляцичилар** (асбоб-ускуналар ремонти бўйича).

КИРОВ РАЙОН ТАШКИЛОТИГА
**газ-электр пайвандчилар, электромонтёрлар, тунукасозлар, вентиляция бўйича слесарь-сантехниклар, электр участкаси бошлиғи, катта инженер-энергетик, инженер-қурувчи, контроль ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича инженер, тайёр маҳсулотлар омбори мудири.**

«ЦЕНТРОСОЮЗПРОЕКТ» ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА
**группаларнинг раҳбарлари, етакчи ва катта инженерлар, қурувчи, сантехник, электрик, теплотехник, конструктор ихтисосидаги инженерлар.**

СЕРГЕЛИ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
**токарлар, юргазувчи-ювувчилар.**

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ БОШ КИЙИМЛАР ФАБРИКАСИГА
**тикувчи-мотористлар.**

**СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

**Марказий пункт** — Пролетар кўчаси, 4-уй;
**Ленин район пункти**—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
**Октябрь район пункти** — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
**Чилонзор район пункти** — 2-квартал, 3-уй;
**Ҳамза район пункти** — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
**Куйбишев район пункти** — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
**Киров район пункти** — Энгельс кўчаси, 48-уй;
**Собир Раҳимов район пункти** — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
**Акмал Икромов район пункти** — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
**Сергели район пункти** — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
**Фрунзе район пункти** — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

## Учрашувга таклиф этамиз

СОБИР РАҲИМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ХАРИДОРЛАРНИНГ САВДО ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ КУНЛАРИНИ УЮШТИРМОҚДА.

**СИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА КУТИШАДИ:**

**22 МАЙ КУНИ**
35 — ТошМИ-ТошДУ турар жой массиви, 10-уй;
54 — «Қорақамиш-1» турар жой массиви, 8-уй;
68 — Собир Раҳимов кўчаси, 322-уй;
10 — Абдураҳмонов кўчаси, 282-уй;
19 — Кочубей кўчаси, 3-уй;
69 — «Қорақамиш-2/4» турар жой массиви, 35-уй.

**29 МАЙ КУНИ**
16 — Шифокорлар шаҳарчаси, 1-уй;
30 — Чимбой кўчаси, 115-уй;
55 — Уста Ширин кўчаси, 112-уй;
31 — Студентлар шаҳарчаси, 6-уй;
48 — «Қорақамиш-1/4» турар-жой массиви, 30-«А»-уй;
42 — Қорасарой кўчаси, 197-уй.

**СОБИР РАҲИМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.**

## Рангли музика ишқибозларига



«ЭЛЕКТРОНИКА ЦМ-21» МУЗИКАГА ҲАМОҲАНГ РАНГЛАРДА ПОРЛОВЧИ ЭНГ ЯНГИ ҚУРИЛМАДИР.

УНИНГ ЖЎРЛИГИДА ДИСКОТЕКАЛАРНИ, МУЗИКА КЕЧАЛАРИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ МУМКИН БЎЛАДИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА ЦМ — 21» оҳангларни (микрофон ёки ички генератор ўрнатилиши эвазига) ғоят фарқлаш хусусиятига эга бўлиб, оҳанг билан дарҳол уйғунлашади, музика ва рангларнинг фусункор оламини вужудга келтиради. Бунинг учун хонага ўта рангли чироқни дид билан жойлаштирсангиз кифоя.

Шуни унутмангки, бир маромдаги рақс музикасини ақс эттиришда энг яхши самарага эришилади.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, СИЗНИ КУЙ ВА ОҲАНГЛАР, РОҲАТБАХШ КЕЧАЛАР ВА... «ЭЛЕКТРОНИКА ЦМ—21»НИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҚЛАРИ ҚУТМОҚДА.

ЯНГИЛИК ШУ ЙИЛ МОБАЙНИДА СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИ.

**Баҳоси — 88 сўм.**

**ФРЯЗИНСКДАГИ «ЭЛЕКТРОНПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

## Қувончли ташвишлар

ЧАҚАЛОҚ ТУҒИЛГАЧ, УЙИМИЗДА ЖАЖЖИ УСТБОШ, КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ ПАЙДО БЎЛАДИ. УЛАР ҚАНЧАЛИК КЎПРОҚ БЎЛСА, ШУНЧАЛИК ЯХШИ!

ОТА-ОНАЛАР! «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИНИНГ «КИЧҚИНТОЙ», «ПИОНЕР», «ЁШ ТЕХНИК» — КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КОМПЛЕКСИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ!

Сиз бу ердан йўргаклар, яктакчалар, куйлаклар, чепчиклар, чақалоқлар учун комплектлар, конверт шаклидаги йўргакларни харид қилишингиз мумкин.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус —14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

59, 62, 76-автобусларда «Кичкинтой» бекатигача, метрода «Комсомол» ёки «Халқлар дўстлиги» станцияларигача борилади.

**«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-40).**

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

## «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 17 — 25 ЁШЛИ, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.



ЎҚУВЧИЛАРГА ОЙИГА 52 СЎМДАН 62 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. **(ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ БЎЛИБ, МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.**

**БИТИРГАНЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ КАСБ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА МАКТАБ-МАГАЗИН Н Н И БИТИРГАНЛИГИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛАДИ.**

**ЁШ МУТАХАССИСЛАР БИР ЙИЛ ИШЛАГАЧ, ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШЛАРИ МУМКИН.**

Ўқишга кириш учун паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см.), характеристика, турар жойидан справка топшириш керак.

**МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА** (Октябрь бозори) **МУРОЖААТ ЭТИШ ЛОЗИМ. Телефон 42-56-44.**

11, 35, 46, 28-автобусларда «Хадра», 7, 8, 11, 15, 16-трамвайларда «ГУМ», 8, 18-троллейбусларда «Хадра» бекатигача борилади.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-44).**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

**ЯНГИ — БАЛАШИХА МАРШРУТИ БЎЙЛАБ**

## САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ АВТОБУС САЁҲАТЧИЛАРНИ МОСКВАДАН БАЛАШИХА ШАҲРИГА 15 МИНУТДА ЕТКАЗИБ ҚЎЯДИ. КЕНГ ВА РАВОН АВТОМАГИСТРАЛЬ ҲОЗИР ЭНТУЗИАСТЛАР ШОССЕСИ ДЕБ НОМЛАНГАН. ИЛГАРИ У ВЛАДИМИР ТРАКТИ ДЕБ АТАЛАРДИ.

Балашихадаги тарихий ёдгорликлар ва қўрғон-боғ санъати — Горенки ва Пехор-Яковлевское туристларда катта қизиқиш уйғотади.

Улуғ Ватан уруши балашихаликлар хотирасида чуқур из қолдирган. Минглаб шаҳарликлар қўлга қурол олиб. Ватанни ҳимоя қилдилар. Балашихаликлар Ватан учун жангларда ҳалок бўлган ҳамюртлари хотирасини муқаддас сақлайдилар. 1973 йилда Шон-шуҳрат майдонида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган балашихалик жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Балашиха шаҳрида чиройли кўчалар, майдонлар жуда кўп. У бугунги кунда Подмосковьенинг маданий маркази ҳисобланади.

Туристлар бу ерда рассомлар, шоирлар, артистларни азалдан ўзига жалб этиб келган хушманзара манзилгоҳларни кўрадилар. Балашихани ҳақли равишда Подмосковьенинг дурдонаси деб аташади. Шундоққина уйлар ва катта боғлар ортидан бошланувчи игна баргли асрий дарахтзорлар шаҳарга бетакрор гўзаллик бахш этган. Дарё иккига — эски ва янги қисмга ажратувчи Пехорка дарёси ҳамда кўл шаҳарга ўзгача жозиба бахш этган. Дарё ва кўл ўзининг кўзгудек мусаффо суви ва пляжлари қайиқ станцияларини бўлган роҳатбахш соҳиллари билан шуҳрат қозонган. Ўрмон-боғларда ва кўл соҳилларида дам олиш зоналари ташкил этилган.

**САЁҲАТ МУДДАТЛАРИ— 27 июндан 1 июлгача, 22 августдан 26 августгача, 29 августдан 2 сентябргача, 19 сентябрдан 23 сентябргача, 17 октябрдан 21 октябргача, 14 ноябрдан 18 ноябргача.**

**Йўлланма баҳоси — 196 сўм.**

**Самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати ҳаражатлари путёвка баҳосига киради.**

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редаксияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12757. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2127. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.